




ТОШКЕНТ ОКШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 41 (9.079)

1998 йил

10 апрель, жума

Сотувда эркин нархда

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ


Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуд қилиб келган кунини кенг нишонланмоқда. Тантаналар Тошкентдаги улғу бобокалонимиз номи билан аталувчи хиббондан бошланди. Бу ерга қорхона ва муассасалар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар, фахрийлар, пойтахт ме-

монлари йиғилди. Амир Темурнинг шуқуҳ ва салобат бахш этиб турган ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди. Байрам Темурийлар тарихи давлат музейи олдидидаги майдонда давом этди. Унда сўзга чиққанлар бобокалонимиз жаҳон цивилизацияси, илм-

фани тараққиётига улкан ҳисса қўшгани, унинг бебаҳо маънавий мероси миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашда дастуриламал бўлаётганини таъкидладилар. Санъаткорлар концерти ва театрлаштирилган томошалар маросимга алоҳида файз ва шуқуҳ бахш

этди. Тантана қатнашчилари музейдаги Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ нобб экспонатларни кўздан кечирди. Тантаналарда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов иштирок этди.

Ў.А.



«Тошкент машинасозлик қорхонаси» ҳиссасдорлик жамияти ишчи-хизматчилари республикада фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш заводларига зарур жиҳозлар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш билан бирга ҳорижий давлатлардан ҳам буюртмалар қабул қилмоқда.

Рустам Шарипов
олган суратлар.

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдурашад АбДУГАНИЕВ билан суҳбатимиз «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг пойтахтимизда қандай ўтказилиши ҳусусида бўлди.

— Абдурашад Абдуганиевич, маълумки, Мустақилликка эришганимиздан буюн ўтган олти йил мобайнида юртимизда маданият соҳасида қатор ютуқ ва таъжирбаларга эришилди. Мусиқа ва қўшиқ қўриқ-танловлари ўтказилди. Шулардан бири ағъанавий «Ўзбекистон қўшиқ байрами»дир. —

— Ўзбек мусиқа маданияти ва қўшиқчилик санъати нафақат Марказий Осиёда, балки Яқин ва Урта Шарқда ҳам маълум ва машҳурдир.

Миллий истиклол мафқураси ҳалқимизнинг азалий аъённаларига, удуларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини оғимизга синдириши ва шу улғу мақсадлар асосида озода Ватанимизнинг ҳимояси ва буюк келажакни йўлида мард ва фидойи бўлишга қорлайди.

Янги замонавий қўшиқчилик санъатини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисида»ги ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан мазкур қўриқ-танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси ўз ишчини бошлади.

Қўриқ-танловнинг умумий йўналиши белгиланган, режалар тўзишдан бўлса керак?

— Албатта. Қўшиқ байрамини жойларда самарали ташкил этиш ҳамда қўрилган натижага эришиш учун ишчи гуруҳи тўзилди. Туман ҳокимликлари, Халқ таъли-

ми ва Маданият ишлари бош бошқармалари, ижтимоий таъминот бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар қорхоналари ўз тасаруфларидаги ташкилотларда саралаш қўриқ-танлов қатнашчилари тўғрисидаги Нишомта мувофиқ 20 апрелдаги қарорига биноан қўриқ-танловига тақдим этиладилар.

Хозирда туманларда энг яхши қўшиқчиларни танлаш учун қўшиқчилик кенгашлари тўзилиб, қўриқ-танловнинг юқори савияда ўтиши ҳамда сараланган ижролар рўйхати тақдим этилди. Шунингдек, сараланган қўшиқлар туман кенгаши қарорига асосан Ўзбекистон телерадио компаниясида ёзиб олинади ва эфирга қўйилади. Ўтаётган қўриқ-танловлар жараёни ва унинг яқунлари оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилади. Танловнинг туманлараро дастлабки босқичи 10 апрелдан 20 апрелгача ўтказилади.

Бу йилги «Ўзбекистон қўшиқ байрами» шодийналарига ўтган йилдагидан фарқланадими?

— Ўйибор берган бўлсангиз, ҳар йилги қўшиқ байрамлари бир бирига ўхшамайди. Бу йилги ҳам шундай. 1998 йил — Ойла йили деб эълон қилиниши муносабати билан бу йилги танловда оилавий дасталарнинг чиқишларига кенг ўрин ажратилди. Ҳайбат тақдим этилган дастурнинг бадийи говийи даражаси, шеър матни, мусиқа савияси, шеър ва куй мутаносиблиги, ижро маҳорати ва саҳна маданиятини эътиборга олган ҳолда баҳолади.

Шарҳ қўриқ-танловни қачон ўтказилади?

— Юқорида таъкидлаганимиздек, шаҳримизнинг барча туманларида қўшиқ байрами 20 апрелгача бўлиб ўтади. Унинг қўлиблари май ойида ўтказиладиган шаҳар миқёсида баҳсда ўз истеъдодларини синондан ўтказадилар.

Моҳира ҚАРИМОВА.

Сеулдан хўшхабар

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ЭНГ КУЧЛИЛАР САФИДА

да, кейинги учта сетда 6/4, 6/4, 6/2 ҳисобида ҳамшаҳримизнинг қўли балан келди ва жамоамиз 1:0 ҳисобида олдинда қилиб олди. Сўнг Олег Огородов корейликларнинг иккинчи ракеткаси Хён Тэк Лига қарши қорға тушди. Бу гал ҳар уччала сетда ҳам аъжир ва эпчил Линнинг қўли балан келди ва ҳисоб тенглашди.

Мусобақанинг иккинчи кунинда жуфтликлар ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди. Майдонга Томашевич — Огородов ва Хён Тэк Ли — Нам Хунг Кинг жуфтликлари тушди. Ўшбу баҳсда тўртта сетда

ҳисоб тенг эди: 6/4, 6/7. Учинчи сетдан сўнг Олег олдинда чиқишга муваффақ бўлди. Натижада жамоамиз тақдирини, умумий ғалабамиз тўртинчи сетга боғлиқ бўлиб қолди. 6/6 ҳисобидан кейинги тайбрекда, бутун куч-маҳоратини майдонга «тиккан» Огородов 7:5 ҳисобида устун келди. Шу тариқа 3:1 умумжамоа ҳисобида олдинда қиққан ҳамюртларимизнинг бешинчи баҳсини ўтказишларига ҳоҳат қолмади. Ўшбу аъжойиб ғалабадан сўнг Ўзбекистон теннисчилари Дэвис Кубогининг жаҳон лигасига қиққан ҳолда ҳақли равишда қураан заминимизнинг 24 та энг кучли жамоалари қаторидан ўрин олишти. Ҳамюртларимиз ва жаҳон лигасининг кучли жамоаларидан бири ўртасидаги дастлабки беллашув шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтади.

(Ўз муҳбиримиз).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнггина барча халқро ташкилотларга аъзо бўлиш жараёнида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини ҳам таниди ва унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бу ташкилот ёрдамида юртимиз аҳолисининг саломатлигини муҳофиза қилишда ҳозирга қадар талайгина ишлар олиб борибди ва бугунги кунда ҳам улар давом эттириляпти.

— Бундан ярим аср муқаддам — 1948 йил 7 апрель кунини Бирлашган Мил-

латлар Ташкилотининг 2-Ассамблеясида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг конституцияси қабул қилинди, — деди шу ташкилотнинг Ўзбекистондаги вакили Руфат Янусов. — Бугунги кунда-бу ташкилот ўз аъзоллигига 193 мамлакатни бirlаштирган, 6 минтақавий бюргага эга. Айни пайтда ЖССТ хасталик пайдо бўлиши, атроф-муҳит озодлиги ва унинг инсон саломатлигига таъсири, ногиронлик, аҳоли сонининг кўпайиб бориши, тиббий хизмат кўрсатиш сифати, тиббиётда янги технологияларни жорий этиш, оналар ва болалар соғлиғи муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқда. Ўшбу ташкилотнинг ҳар йилги тадбирлари маълум бир шор остида ўтади. Бу йил у ўзига «Хавфсиз оналик» шорини танлади. Бу эса Ўзбекистонда 1998 йил — Ойла йили дея эълон қилинган билан маълум мазонода ҳамонагидир. Яна бир янгилик шундан иборатки, бу йил ЖССТнинг янги бош директори тайинланди ва унга ўшбу ташкилот тарихида илк бор аёл — Норвегия Бош вазир, мамлакат соғлиқни сақлаш вазир, 59 ёшли доктор Брундтланд лойик топилди.

«ХАВФСИЗ ОНАЛИК» ШИОРИ ОСТИДА

Анжуман давомидида ЖССТнинг юртимиздаги фаолияти ҳақида гап бораркан, бир қанча тадбирлар қаторида безгак касаллиги пайдо бўлишининг олдини олиш, шолга қарши МЕКАКАР эмлаш дастури, сил, гепатит дардларига барҳам беришда замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилгани, Оролбуйи ҳудудидаги «Чегара билмас шифокорлар» ҳаракати, тиббиёт ҳодимларини қайта тайёрлов-

га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳолбуки ҳозирда жаҳонда ҳар кунини 1600 аёл ҳомиладорлик ҳолатида дунёдан кўз юммоқда. Бу микдорнинг катта қисми Осиё ва Африка мамлакатлари улусига тўғри келади. Бир йилда салкам уч ярим миллион чақалоқ бир ёшга етмай вафот этмоқда. Бунда ҳам ўшбу минтақалар олдинда боришмоқда.

Аммо бизнинг Ўзбекис-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

тонда оила қуриб фарзанд кўриш ишига жиддий ёндошилади. Маълумки, юртимиз аҳолисининг 45,7 фоизини 18 га тўлганларни ташкил этади. Айрим давлатларда, масалан, Россияда туғилишдан кўра ўлим ҳолати кўпроқ юз бераётган пайтда бизда аҳоли сони тобора ортиб бормоқда. Чунонки, бизда ҳар 7 та ҳомиладорликка битта бола олдириш қайд этилган бўлса, Россияда ҳар 6 та ҳомиладорликка битта туғилиш (демак 5 та бола олдириш) қайд этилган. Шуларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ЦАРАК дастури ҳозирги пайтда жуда муқаммал дея эътироф этилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўшбу масала юзасидан ўз саволларига батафсил жавоб олдилар.

Абдураҳим АбДУРАХИМОВ.

ТОШКЕНТЛИК КЕЛИНЧАК

мамлакатимизда иккинчи бўлди

Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Эко-сан» ва «Олтин мерос» халқро жағармалари, «Маҳалла» хайрия жағармаси ташаббуси билан ўтказилган «Энг ибратли келинчақ» республика қўриқ-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Қўриқ-танловда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова Ойла йилида ўтказилган мана шундай тадбирларнинг аҳамиятини таъкидлаб, қўриқ-танлов қатнашчиларига омад тилади.

Шундан сўнг республикамиз вилоятларида ўтказилган танловларнинг қўлиблари бўлган келинчақлар танловининг асосий шартлари: келинчақнинг оиладаги ўрни, бурчи, ҳуқуқий маданияти, замонавий келинчақнинг тарихини, маданиятини, урф-одатларимизга бўлган муносабати, меҳмон қутиб, ҳонадонни тоза тутиб, соғлом авлод тарбияси ҳамда оила муҳитига қонлиқ ва ҳалоллик хислатларини синдиришда келинчақнинг ўрни каби масалалар бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этди.

Манзура РИЗАЕВА.

Ҳамкорлик

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТИДА

Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов бошчилигидаги ўзбек делегациясининг Японияга ташрифи ниятига етди. У мазкур мамлакат ҳукуматининг тақлифига биноан Япония пойтахти ва кўнчиқар мамлакатнинг бошқа шаҳарлари инфратузилмаси билан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Токио муниципалитети раҳбарияти томонидан қабул қилиндилар. Делегация аъзолари парламент депутатлари аъзоларидан иборат гуруҳ Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик учун парламентлар ассо-

циацияси вакиллари билан учрашдилар. Улар мамлакатимиз ҳаётига катта қизқиш билдирилган ҳамда муҳим лойиҳаларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, шунингдек қардош шаҳарлар даражасида алоқалар ўрнатиш тақлифини киритдилар.

Делегация шунингдек, Йокогама ва Цукуба шаҳарларида бўлиб, илмий ва тадқиқот марказлари фаолияти ва келгуси асрда Япония иқтисодий қудратини белгилловчи илгор технологиялар билан танишдилар.

Музаффар ЗОХИДОВ, «Ҳақон» АА муҳбири Токио

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 апрель кунини АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг ассигнация қўмитаси раиси Роберт Лингвингтон раҳбарлигидаги ўшбу мамлакат Конгресси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Конгрессменлар Олий Мажлисга ташриф буюриб, унинг раиси Эркин Халилов билан ҳам мулоқотда бўлдилар.

Президент Ислам Каримов тақлифига биноан Туркия Республикасининг Бош вазир Месут Ўлмез 12-14 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Вазирлар Маҳкамасида 1998-2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Унда ҳукумат қарорига кўра 1998-2000 йилларда 8700 километрдан кўпроқ сув қувурлари тармоғи ва бир кеча-кундузда деярли 1 миллион кубометр сув ўтказадиган сув қувурлари иншоотларини қуриш, қишлоқ аҳолисини марказлаштирилган тартибда сув билан таъминланадиган қисминини 76,8 фоизга, қишлоқлардаги уй-жойларни газлаштиришни 70,3 фоизга етказиш билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилди.

Тошкентда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Финляндия комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф билан келган Финляндиянинг Европа ишлари ҳамда ташқи савдо вазирини Ойле Норрбак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида, Ташқи ишлар вазирлигида бўлдилар. Икки мамлакат ўртасида икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон — Грузия дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Андижон вилоятининг Марҳамат ва Шаҳрихон туманлари деҳқонлари республикада биринчи бўлиб плёнка остига чигит экишни тугалдилар.

ЖАҲОНДА

Тошкентдаги немис иқтисодиёти ваколатхонасида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни таъдиқ этиш бўйича мувофиқлаштирувчи бюро очилиши тўғрисидаги ахдлашув имзоланди.

Бугун Россия парламентининг қўйи палатаси — Давлат думасида Бош вазир вазифасини ижро этаётган Сергей Кириенко янги ҳукумат дастури тўғрисида маъруза қилгандан сўнг уни ҳукумат раиси этиб сайлаш учун депутатлар яширин овоз беришади. Давлат думасида нисбатан қўнғилчилик ташкил этишчи коммунистлар фракцияси умуман яширин овоз беришда иштирок этмасликларини баён қилганликлари сабабли Сергей Кириенко ҳукумат раиси этиб сайланиши учун етарлича овоз ололмағлиги тахмин этилмоқда. Бу ҳолда мамлакат Конституциясига қараб Россия Президентини бир ҳафта давомидида Давлат думасига ҳукумат раислигига яна номзод тақдим этиши мумкин.

Дехлида «Ахмад ал-Фаргоний ва унинг даври» мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Бу тадбир Ахмад ал-Фаргонийнинг 1200 йиллиги дастури доирасида ўтказилди.

БМТнинг махсус комиссияси Бағдодда «президент иншоотлари» деб номланган 8 та иншоотни текширишни ният қилади. Бу махсус комиссия айна шу иншоотларда таъқиқланган оммавий қирқин қуролларини топа олмади. Шу муносабат билан Ироқ БМТга унга нисбатан амал қилиб турган иқтисодий жаза қораларини бекор қилишни талаб этди.

Покистонда 1500 километр масофага 700 килограмм ядро бомбасини етказишга қодир бўлган «Хор» деб номланган ўртача масофага учувчи янги ракета синовини ўтказилди. Расмий Покистон узида ядро қуроли мавжудлигини эълон қилмаган бўлсада, мамлакат ташқи ишлар вазирини Аюбхон Покистон махфий иншоотлари халқро комиссия томонидан текширилишига рухсат бермаслиги тўғрисида баёнот берди.

Жанубий Корея ҳукумати Шимолий Корея маъмурларининг Пекинда ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида ҳукуматлараро музокаралар ўтказиш тақлифини қабул қилди.

Сербия Халқ скупштини — парламент депутатлари деярли бир овоздан 23 апрелда Косоводаги тангликни бартараф этишда ҳорижий вакиллар иштироки масаласи юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу референдумда Сербия аҳолисини Косоводаги тангликни бартараф этишда ҳорижий мамлакатлар вакиллари иштирок этишига қарши овоз бериши аниқ. Айни пайтда Косоводаги аҳолининг аксарият қўнғилчилик ташкил этишчи албанлар етакчилари унинг маротаба Сербия маъмурлари билан музокаралар бошлашдан бош тортдилар.

Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсон 1991 йилдан буюн Россиядан 100 миллиард доллар микро-да маблағ олиб қилиб кетилганлигини, айни пайтда бу мамлакатга ҳорижий сармоялар атиги 10-15 миллиард долларни ташкил этганини маълум қилди.

Америка Қўшма Штатларида 100 ва 50 долларлик қороз пуллардан сўнг 20 долларлик қороз пулларнинг ҳимояси қучайтирилган қўнғилчиликни май ойи ўрталарида муомалалар қиритилиши мўлжалланмоқда.

БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши Афғонистонда бир-бирига қарши турган қучларни ярашишга даъват этди. Келгуси ҳафтада эса АҚШнинг юқори мартабали дипломати Билл Ричардсон биринчи мартаба Афғонистонга ташриф билан келиши ҳам эълон қилинди.

Кеча АҚШнинг Жоржия ва бошқа штатларида руй берган «Торнадо» бўҳрони камида 33 кишининг жонига зомин бўлди.



Таълим ислохотида хунар мактаблари фаолиятини қайта қуриш катта аҳамиятга эга. Бу борада ёшларга касб берувчи ўқув масканларидаги ўқитувчи ва хунар усталининг малакасини ошириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Шунга қўра ўшбу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли Хунар ходимлари малакасини ошириш республика институтининг ректори, профессор Назиркул Шербоев билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда таълим соҳасидаги ислохотлар аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб бориш учун «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурга эгамиз. Ўшбу иккала ҳужжат асосида институтда қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Сиз тилга олган ҳужжатлар юзасидан институтимизда дастлаб ишни ўқув режа ва дастурларини қайта қўриб чиқилган бўлади. Чунки уларнинг аксарияти эски, қотиб қолган тизимдан иборат эди. Сўнгра институтимиз тингловчисининг малака, аниқроғи, маҳорат савияси андозасини ишлаб чиқдик, яъни бизга малака оширишга ке-

Миллий дастур

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИДАГИ МУТАХАССИСЛАР

ладиган ўқитувчи маълум талабларга жавоб бериш керак. Бу андоза бизга иш услубимизни аниқ белгилаб олишимизга ёрдам беради.

Биз дарсларга янги педагогик технологияларни ҳам жорий қилдик. Янги педагогик технология дегани замонавий ўқув жиҳозлари, ўқитиш услублари, дарс мазмунининг янги мезонларга асосланган тизимдир.

Маълумки, бизга турли ёшдаги ва турлича касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчилар келишади. Шунга қўра ҳозирда уларга турлича ўқув дастур ва услублари билан ёндошлиш тизимини ишлаб чиқдик. Яна бир янгилик: авваллари бизга келадиган касб ўқитувчилари шунчаки тингловчи эдилар. Биз турли ёшдаги касб муаллимларини учраштириб, ўзаро эркин суҳбат, фикр алмашиш каби ўқув шакллари билан қўллаб қўллаб қўлдир. Энди улар машғулотлар жараёнида оддий тингловчи эмас, балки ўз тажрибаси, маҳорати, ўқитиш услубини ўртоқлашадиган иштирокчи сифатида қатнашадилар.

— Маълумки, бугунги кунда янги, замонавий касб-хунарлар пайдо бўляпти. Хунар мактабларида таълим олаётган ёшлар эртага «ЎзДЭУавто», Бухоро нефтини қайта ишлаш корхонаси, «Ўзсаламан» каби янги ишлаб чиқариш тизимларида ишлаб кета оладиларми?

— Бизда малака ошираётган касб ўқитувчиларини ишлаб чиқаришда юқори муваффақиятларга эришаётган фирмалар, ишлаб чиқариш корхоналарида таълим олаётган ёшлар бораётиб. Бундан ташқари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли Тошкент давлат автомобил ва йўллар институти, Тошкент давлат техника университетини билан ҳамкорлик қилиш жараёнида республикада бунёд этилаётган янги турдаги корхоналарда ишловчиларни ўқита оладиган ходимларни институтимизга жалб қилишмоқчимиз.

Шулар билан бир қаторда институтимизнинг Бошқарув ва иқтисод кафедрасида маркетинг, менежмент каби дарсларни ўқитишга кенг ўрин бердик. Инновация кафедрасида авваллари фақат хунар соҳасидаги янгиликларни тингловчиларга билдириш билан қийоаланарди. Эндиликда бу ерда турли соҳалар бўйича жаҳон миқёсидаги янгиликлар андозасини белгилаш йўлга қўйилди. Ҳозирда институтимиз «Касб таълимида инновация» туркум қўлланмага олиб туради. Турли соҳалардаги энг сўнгги янгиликлар, ўқитиш, ишлаб чиқаришнинг янги услублари ҳақида ҳикоя қилувчи бундай рисоаларни ўқиб, машғулотларда қўллаш учун улар билан тингловчиларимизни таъминлаймиз. Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир соҳа бўйича ўқитишда машғулотларга бозор иқтисодида оид дарсларни киритдик. Чунки маҳсулотни ишлаб чиқаришдан ташқари уни истеъмолчиларга етказиш, бунинг учун бозор илмини ўрганиш хунар эгаси учун фақат фойдалидир.

Янги соҳаларни ўзлаштириш жараёнида миллий хунармандчиликка ҳам зарур эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, ўймакорлик, ганчкорлик, каштачилик каби кўҳна хунарларнинг барча қирраларини эгаллаш, тақомиллаштириш мақсадида халқимиз орасидаги шу соҳа усталарини машғул қилишга жалб қилишмоқчимиз. Булардан ташқари қоллеж ўқитувчиси андозаси ишлаб чиқариш, яъни бугунги давр талабларига жавоб берувчи, турли шaroитларда ишлаб кета оладиган касб эгасини тайёрлайдиган муаллим — хунар устаси қандай бўлиши кераклиги сифатлари белгиланяпти.

Маълумки, таълим соҳасини ислох қилишдан қўзланган асосий мақсад барча ихтисосликлар бўйича дунёдаги ҳамкасблари билан рақобатлаша оладиган етук мутахассислар тайёрлашдир. Шунга қўра биз ҳам хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйдик. Яқинда институтимизда Германиянинг DSE жамғармаси вакиллари бўлишиб, тингловчиларимизга турли касблардаги сўнгги янгиликлар, хунар ўргатишнинг янги услублари ҳақида анжуман ўтказишди. Бу каби тадбирларни келажақда мунтазам уюштириб турмоқчимиз.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Раҳматил бобом Маҳкам Тош-муҳаммад ўғли тўй-ҳашамларда созандадар ижро этган куйларни мириқиб эшитгандан сўнг бир ривоятни айтиб берадилар. Ким билсин уни неча марта айтган эканлар.

Тангри инсонни яратгандан сўнг Жонга амр эттибди:

— Унинг вужудига кир!

Жон орқага тисрилиб, асло кирмабди. Тангри Жаброил алайҳиссаломга амр эттибди:

— Инсонни тириктириг!

Лекин Жон ҳадеганда инсон вужудига кирмабди. Шунда Жаброил алайҳиссалом:

— Ё Оллоҳ, уни бир хийла билан киритмасак бўлмайди. Созандани бу ёнга чорласак.

Созанда фаришта инсоннинг кўлига ўтириб икки торли созда малҳотли бир машқни бошлабди. Куй авж пардаларга чиққанда жамми маликалар, йиғилган фаришталару Жон ҳам симобдек эриб кетибди.

Шу лаҳзада Оллоҳ амр эттибди:

— Инсон вужудига кир!

Жон куй сеҳри билан инсон танасига жойлашибди, унинг томирларига ҳаёт бахш эттибди. Инсон шу тариқа кўзини очган экан.

Бобом ривоятни айтиб бўлгач:

— Шундоқ, созанда худо юктирган зот бўлади. Уни эъзозлаб энг тўғра ўтказишимиз ҳам шундан. Ўзимиз иккитагина сим билан мурда жисмга жон бағишлаганда, — деб қўярдилар.

Шундай сўзларни соз ясовчи уста Раҳим Қосимовдан ҳам эшитиб, болалик хотираларим қайта уйғонгандек бўлди.

Мен ясаган танбуру дуторни ким қалган, биласизми? Юнус Ражабий! — Ҳикоясини бошлади уста. Э, қимларнинг қўлида сайраб жарангламаган созларим.

— Узи соз яшас сизга ота касоби?

— Э, йўқ, — бош чайкади уста. — Уруш йиллари эди. 14 ёшларда бўлсам керак ўшанда. 1944 йилда Қўштутда бадий ўқув-хунар мактаби очилди. 4 соат ўқитиларди, 4 соат ишларди ўқувчилар. Қосибчилик, атлас тўқиш, дурадгорлик, соз яшас сингари ўндан ортик хунар ўргатиларди.

— Кап-катта бўлиб қолдинг. Энди бир хунарнинг бошини тут. Бирини нимага қизикасанми? — сўрадилар отам.

— Дутор, танбурулар қанақа ясалар экан? — дедим секингина.

— Э-ҳа, гап бу ёқда дегин, — отам иягини қашлади. — «Хай, майли», кўнглингда шу бор бўлса, на иллож. Бу ҳам Оллоҳнинг инояти. Юр болам.

Отам ўша хунар мактабига, уста Бурхон қори Зиевўтдиновга олиб бордилар. Уста жада закий, ишни пишик қиладиган инсон эдилар. Ҳеч қачон оғизларидан ёмон сўз чиқармасдилар. Сабр-тоқат билан ўргатардилар.

— Сабр қилсанг, бир ёғочдан соз бўлар, — деб қўярдилар.

Кўча чангитиб юрган ўсмир эмасманми, го-

ҳида жуда юрагим сиқилиб, дод деворлар дердим. Уста менга разм солиб.

— Шошган шайтоннинг иши, — деб қўярдилар.

Аста-секин қўлим келишиб қолди. Соатлар биттагина қовургани рандалаганларим, бўғизини тайёрлаганларим зое кетмади. Мустақил ўзим дутор ясаган кунимни ҳеч унутмайман. Азбаройи тирикчилик, ўша дуторни 10 сўмга сотганман.

— Дутор қандай ёғочдан ясалади? — деб сўрадим уста жим қолганидан фойдаланиб.

— Дастаси ўрикдан, қолганлари, яъни қопқоғи, қосаси, қовургалари тутдан ясалади, қўпроқ тут яши.

— Торлари симданми?

— Йўқ, авваллари ўзим қўйнинг ичагидан ип ясардим. Ҳозир лески сероб. Биласиз-а лескин.

Бир кун, шунга ҳам ўттиз-қирқ йил бўлиб қолдиёв, устахонамга Юнус Ражабий келиб қолдилар.

— Ҳа, уста Раҳим, хорманг. Бурхон қоридан кейин сизга келяпмиз энди. Битта дутор ясаб беринг.

— Хўп-хўп, — дедим уни ўтказгани жой топпай. Шундай машҳур ҳофиз, мусикамининг сардорини катта бошини қичик қилиб келадия, йўқ дейманми? Бутун илҳосиму эътиқо-

димни қўйиб ясадим. Ўзим жуда сайраворди. Юнус ака кўп жойларда дуо қилган эканлар, таниш-билишлар етказишди.

— Уста Раҳимнинг дутори тагин қимларнинг қўлида роз айтган?

— Жуда қўлпаб созандадарда бор. Қайси бирини айтмай? Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар раҳмати Зокиржон Обидов, Махмуд Юнусов ва Ғуломжон Қўчқоров. Маданият институти домласи Болта Сайрамовларнинг қўлида кўрганмисиз? Улардан хунарим ҳақида факат раҳмат эшитдим...

Устахонадаги чала дуторларга, митти танбуруларга қараб ўйлардим: инсон қўли бунчалар гўл бўлмаса! Оддийгина ёғочдан шунчалар сеҳрли бир соз ясади. Аппаю теши, омуруро эвоғ, қўйинг-чи, минг бир хил асосларини қўриб, сўрадим.

— Шу асосларнинг баридан фойдаланасизми?

— Албатта.

— Дуторнинг михланадиган жойи борми, уста?


— Бор. Қовургалар бўғизга елимлиб, михланади. Фақат оддий михлар билан эмас, махсус ёғоч михлар билан.

Уста мўжазгина михдондан михларни олиб кўрсатди.

— Пардалар орасига гўл солиш қандай бўлади?

ТИНМАСИН СОЗ

(Бадиа)



«ЭНГ УЛУГ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

Овозга таъсири борми уларнинг.

Бу энди созанданинг бюртмасига боғлиқ. Овозга алоқаси йўқ. Фақат чирой учун.

Тошкент Маданий-сўртув техникумида уста Раҳим Қосимовни танимаган талаба йўқ.

1959 йилдан бери шу ерданман, — деди уста. Талабаларнинг бўзилган созларини таъмирлайман, янгиларини ясайман. Кейин илҳосманд болаларга хунаримни ўргатялман.

Ҳозир 10 чоғи бола кўн билан машғулотларга келишяпти.

— Фарзандларингиздан ҳам борми шогирдлар? Ахир устозодларга ота касб бўлади-ку хунар?

— Ўзимга ота касб эмас эди. Фарзандларим ҳам изимдан боришмади. Начора, ҳам-манинг ўз тирикчилик манбаи бўлар экан-да.

— Устанинг чехраси бирдан ёришиб кетди, — аммо бир шогирдим бор. Акмал Ражабов. Рихси Ражабийнинг невараси. Ҳозир мустақил танбуру-дутор ясапти. Шунга илҳосим бала-нд, шундан умидим катта.

— Бир ҳафта — ўн кунда битирарсиз битта дуторни?

— Ага, гуллари бўлмаса, садафлар билан безалмаса, бир йўлда, бўлмаса икки ойда битта дутор тайёр бўлади.

— Вой-бу, жуда эзиб юборадику одамни — дедим кўз олдимга келтириб.

— Сиз нима деб ўйловдингиз? — уста жилмайди, — ҳар касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор-да.

Устахона тўрида турган хаворанг дастурни варақладим. «Уста Раҳим оддийгина ёғочга жон бағишлаб юборади. У ясаган дуторларни чертган кишининг кўнгли ярайди», деб ёзибди Махмуд Юнусов. «Яхшиям сиз бор экансиз. Қўлларингиз дард кўрмасин», деб дил изхорини битибди Болта Сайрамов. «Сиздек уста бизнинг бахтимиз», деб ёзибди Турсунпўлат Пирматов, — сиз ясаган дутор уйимнинг тўрида турибди. Уни мен қалдим. Фарзандларим қалишди. Худо ҳоқласа, набираларим ҳам қалади. Сиз хонадонимизнинг азиз кишинисиз».

Уста Раҳимнинг қўлларига қараб ўйга толдим. Шу оддийгина қўлларда қанчалар дил муҳажжа бор. У яратган создан қанчалар дилхуш наволар янграйди. «Яшанг уста, — дедим келди, — яшасин сизнинг мўжизакор қўлларингиз. Тинмасин, тинмасин соз!»

Ойна жонхонда концерт берилганда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нейматжон Қўлабдуллаев дуторни эшиб қалди.

— Уста Раҳимнинг дутори! — деб юбордим.

— Ким дедингиз? — сўради ёнимдаги меҳмон.

— Уста Раҳим ясаган анови дуторни.

— Ҳа, ҳа, — деди меҳмон қўзиб...

Оханлар оханларга уланди. Қўшиқ қўшиқча. Шунда мен созанда фариштаю унинг сози жаннатдан чиққанлиги ривоят эмас, чин деб ўйладим. Бўлмаса мусиқа тинглаб, одам боласи бунчалар мутаассир бўлмасди...

Темур УБАЙДУЛЛО.

СУРАТДА: уста Раҳим Қосимов иш устида. Рустам Шарипов олган сурат.

Показалик

ЧИҚИНДИГА ЧИҚАЁТГАН БОЙЛИК

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарлини қўчатириш тўғрисида»ги Фармони айтиш мумкин бўлди. Зеро юқас маданият хамият қуришда инсоннинг атроф-муҳитга, яъни ўзи яшаб турган маконга бўлган муносабатини оқилона тарзда шакллантириш мумкин аҳамиятга эга.

Ҳар йили турли саноат иншоотлари қурилаётгани, кимё, озиқ-овқат ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнида жуда кўп миқдорда чиқиндиларни вужудга келтиради. Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг маълумотида кўра заҳарли чиқиндиларнинг энг кўп қисми тоғ-кон қазув саноати билан қайта ишловчи саноат корхоналарига тўғри келади. Эндиликда маийш чиқиндиларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги инсониятни ташвишга солмоқда. Ҳозир Ўзбекистон ҳудудига 230 дан ортик маийш чиқиндилар ташланадиган майдонлар мавжуд, уларда ҳар йили 30 миллион кубометр ахлат йиғилди. Бироқ уларнинг кўпчилигида чиқиндиларни сақлашнинг оддий санитария қонунларида риоя қилинмайдиган, чиқинди тўплаш экологик талаблар даражасида эмас. Уларни зарарсизлантириш ва қўйиб қўйиб қилинган қонунлар асосида амалга оширилмайдиган.

Энг ачинарлиси шуки, ахлатхоналарни ташкил қилишда жойларнинг табиий шaroитлари, гидрогеологик ҳусусиятлари, хусусан шомоллар йўналиши ва ҳаракати ҳисобга олинмаганлиги тўғрисида ахлат ҳиди шаҳар ҳавосини доимо бузиб туради. Маийш чиқиндилар турлари бўйича йиғилмаганлиги сабаб ахлатхоналарда ҳамма нарсаси аралаш, ҳатто қурилиш ва саноат чиқиндилари ҳам қўйиб ташланган. Шунинг учун чиқиндилар ёқилганда тутаб ёнади. Бу билан ҳавога зарарли моддалар узулқисиз чиқиб туради. Ҳозирги вақтда бир марта фойдаланладиган идишлар, шприцлар, тез мундазда ишдан чиқадиган елим халталар кундалик чиқиндилар ҳажмининг орттишига сабаб бўлмоқда.

Ичимликларнинг пластмасса идишларда кенг миқёсда ишлаб чиқарилаётганлиги, чет эллардан республикамизга катта миқдорда келтирилаётганлиги спиртли ичимликлар идишларининг мавжуд стандартларга жавоб бермаслиги сабабли жойларда қабул қилинмаётгани уларни чиқинди сифатида тўпламоқда. Аслида бундай идишларни турига қараб ажратган ҳолда махсус корхоналарда қайтадан эритиб, янги идишлар ишлаб чиқариш ҳар хилдан самарали бўлар эди. Шаҳар чиқиндилари таркибиде қоғоз материаллари ҳам кўп учрайди. Ҳолбуки макуллатуранинг аҳамияти ниҳоятда катта. Масалан, бир тонна макуллатурадан 700 килограммга қоғоз ишлаб чиқариш мумкин, бу қоғоз 25 минг дона ўқувчилар дастурини тайёрлашга етади. Шунча қоғоз ҳам ашёси 4 кубометр ёғоч, 1000 киловатт соат электр қувватини ва 200 кубометр сувни тежайди, энг муҳими ҳаво ва сув ҳавзасини зарарли чиқиндилар билан ифлосланишининг олди олинади. Шунингдек, пластмасса, шиша чиқиндиларини қайта ишлаб, иккиламчи ҳам ашё тайёрлаш қўлпаб электр қуввати, нефть маҳсулотлари ва бошқаларни иқтисод қилишга имкон беради.

Рақамларга мурожаат қилсак, пойтахтимизда жон бошига ҳар кун 0,7 килограмм чиқинди тўғри келар экан. Тошкентдек асим шаҳарда 2,3 миллион киши истиқомат қилиши эътиборга олинса, у ҳолда кунига ўртача 2 минг тонна атрофда чиқинди йиғилади. Бир кеча-кундузда эса 4 минг тонна чиқинди шаҳар атрофига чиқарилади. Уни ташши учун салкам 600 автотранспорт ажратилган, бироқ уларнинг бир қисми техник жиҳатдан носоз бўлганлигини эътиборга олинса, ҳар кун 380-400 ахлат ташувчи машина бу ишни еплаши мумкин.

Шу маънода туманларда показаликни таъминлаш бўйича хашарлар ўтказилаётгани айтиш мумкин. Бу хайрли тадбир мунтазам ўтказиб турилса шаҳримиз саранжом-сарашта бўлиши турган гап.

Муродбек РАҲМОНКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси география бўлимининг атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш тажрибихонаси илмий ходими.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фирмалардан бири — Германиянинг «Сименс АГ» компаниясидир. Ўтган йили ўзининг 150 йиллик юбилейини нишонлаган бу фирма Ўзбекистонда электротехника, электроника, энергия ишлаб чиқариш, автоматлаштириш, аудио ва видео-техника ишлаб чиқариш ҳамда бошқа соҳаларда кенг қамровли фаолият кўрсатмоқда. Жамоатчи муҳбиримиз яқинда ана шу компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Томас Марк билан учрашиб, республикамиз билан олиб борилаётган ҳамкорлик ҳусусида суҳбатлашдик.

— Жаноб Марк, «Сименс АГ» билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, бу борада эришилган ютуқлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ваколатхонамиз Тошкентда 1995 йилда очилган бўлсада, ҳамкорлик алоқаларимиз анча илгарироқ — етмишинчи йилларда бошланган. Мустақиллик йилларидан бошлаб, Ўзбекистон билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқалари олиб бориляпти. Умуман, «Сименс» Ўзбекистонда 1905 йили пайдо бўлди, дейиш мумкин, чунки Тошкентдаги биринчи телефон станцияси

Ҳамкорлик

«СИМЕНС»: ЮҚОРИ СИФАТГА КАФОЛАТ

нс» тиббий техника ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида дунёда энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Улар бугунги кунда Ўзбекистонга тўғридан-тўғри, бевосита етказиб бериляпти. Бу борадаги ҳамкорлигимиз, айтиш мумкин, муваффақиятли ривожланмоқда. Булардан ташқари, Тошкент, Бухоро ва Хива шаҳарларининг аэропортларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бораида ҳам кўп иш қилинди. Шунингдек, келгусида республиканинг бошқа шаҳарлари аэропортларида ҳам ана шундай ишларни бажариш режалаштирилган. Металл, кимё саноатида инфратузилмаларни ривожлантириш соҳасида Олма-лик ва Навоийдаги комбинатлар билан ҳам кенг ҳамкорлик олиб бораёямиз.



Тошкент матбаа комбинати ижара корхонасида асосан ўқув дарсликлари, болалар учун ҳамда ижтимоий-сиёсий адабиётлар ишлаб чиқарилади. Корхона ахли маҳсулот турини кўпайтириш билан бирга унинг сифатли бўлишига ҳам алоҳида аҳамият бермоқда.

СУРАТЛАРДА: маҳсулот сифатига эришишда алоҳида ҳисса қўшаётганлар (ўнгдан) Белла Бобождонова, технолог Жавлон Эшмухамедов ҳамда мусаххих Баҳодир Туюқовлар иш устида; корхона маҳсулотларидан намуналар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Анжуманлар

ТАЖРИБА АПМАШДИЛАР

Шаҳар Саломатлик марказида менингит хасталигининг олдини олишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Исроилдан келган мутахассис шифокорлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Хусусан, меҳмонлардан шифокор Дора Абрамович Ўзбекистонда менингит инфекцияси тарқалмаслигини олдини олиш учун Исроил томонидан икки ярим минг доза вакцина берилганини билдирди. Шунингдек, у Исроилда соғлиқни сақлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳақида гапираркан, бу ерда тиббий хизмат сўғурта асосида йўлга қўйилгани, ўсма, юрак, жигар дардлари каби оғир хасталиклар ва турли учунгина касалхоналар мавжудлиги, бошқа хасталиклар, ҳатто сарик касаллиги ҳам амбулатория шaroитида даволавиши, бунинг учун корхона ва ташкилотларда тиббий хизматлар ташкил этилганлигини айтиб ўтди.

Учрашув чоғида менингит хасталигининг олдини олиш ва даволаш бораида ўзаро тажриба алмашилди.

Баҳор кўёши дастлаб болаларни қувонтиради. Ердан буг кўтарилиб девор четлари, кўчалар, сайхонликлар очилиб, майса-гиёҳ кўриниши билан болалар ўйинларини бошлаб юборадилар. Осмонга варраклар учирадилар. Кизлар сочларига баргак такади. Болалар тол чивилларини кўл билан уқалаб, аста пўстини шилиб ўзларига сивизгалар ясайдилар. Кичкинтойлар хивичларни той қилиб минишади.

Бойчечак болаларнинг биринчи баҳор қўшиғига сазовор бўлади. У аввал баҳорда дала-боғларда чиқадиган нозик, сариқ гул бўлиб, баҳор ва ёзнинг келишидан даракчидир. Ўғил ва киз болалар бу гулни териб, сўнг қўшиқ айтадилар:

**Бойчечаким бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайрондир.
Қаттиқ ердан қазалаб**

**чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб
чиққан бойчечак.**

**Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар.**

Шарқда тут дарахти муқаддас дарахтлар қаторида ҳисобланган. Ўзбекларда мазкур эътиқодларга кўра дарахтнинг «эгаси бор» деб қаралади ҳамда эҳтиёт қилинади. Унинг танасидан бешик ясалади. Бойчечак халқ орасида рамзий образ бўлса керак. Негаки, у худди одам сингари тасвирланади. Уни «тутадилар», «тут ёғочга осдилар», «қилич билан чопдилар», «бахмал билан ёпдилар». Аммо бойчечак — болалар тушуначисида ижобий образ, у ёшлик, жўшқинлик рамзи:

**Болалар, болалар, бойчечак,
Бойчечакни терайлик.
Қаранг қандай чиройлик,
Бойчечаким очилди,
Қирга тилла сочилди.**

Бойчечак қўшиғининг болалар оғзидан ёзиб олинган бир вариантда бойчечакни қилич билан чопиб «камлик қилади», уни «балғон» билан урадилар ва кейин «қилич билан чопадилар». Демак, у яна «исёнкор» ҳам

БОЙЧЕЧАГИМ

экан. Ўзбек халқида бирор киши ўз кучи билан қийналиб ўсган бўлса: «Ахир, у қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечакнинг ўзи-да» дейишади. Бу эса бойчечакнинг меҳнаткаш образи эканлигидан далолат беради.

«Бойчечак»нинг вариантлари жуда кўп. Улар айрим сўзлар, жумлалар, ҳатто шакл жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади:

**Бойчечаким боласи,
Қулоғида донаси.
Донасини олай десам,
Югуриб чиқди онаси.**

Бу вариантда бойчечак боланинг ўзига, шунда ҳам танतिकроқ, эркароқ болага ўхшатилади.

**Қаттиқ ердан ўсиб чиққан,
Бойчечак.
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан,
Бойчечак.
Сугурганда чиқмаган,
Уйинг қуйсин бойчечак.**

Қўшиқнинг охириги сатрларида бойчечак энди ердан униб чиқадиган, болалар илдизини қовлаб, картошкасини олиб ёйдиган ўсимликка ўхшатилади. Қўшиқ айтувчининг гинаси ҳам унинг сугурганда чиқмаганига қаратилган.

Мавсум — маросим қўшиқлари си-

Навруз

расига кирувчи болалар фольклори намунаси ҳисобланган «Бойчечак» қўшиқлари сирасига кирувчи болалар фольклори намунаси ҳисобланган «Бойчечак» қўшиғининг йигирмадан ортиқ вариантлари мавжуд. Республикаимизнинг ҳар бир вилоят, туман ҳамда қишлоқларида бу қўшиқнинг турли кўринишларини учратиш мумкин.

Ғани Жаҳонгировнинг «Ўзбек болалар фольклори» китобида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Соилқи қишлоғида айтиладиган «Бойчечак» қўшиғининг қуйидаги шакли келтирилган:

**Қаттиқ ердан
Қаталаб чиққан бойчечак.
Юмшоқ ердан
Юмалаб чиққан бойчечак.
Бойчечаким бойланди,
Тегирмонлар айланди.**

Хуллас, баҳорнинг илк даракчиси бўлган бойчечак ҳақидаги қўшиқ орқали ўша бегубор қалб эгалари бўлмиш болаларнинг ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисаларга, ўзгаришларга нисбатан бўлган болаларча тушуначи ифодаланади.

Бутун борлиқ уйғонмоқда, табиат келинлик либосини киймоқда. Майсаларнинг орасида ўз ҳуснини кўз-кўз қилиб яшириниб турган тилларанг бойчечакларни тераётган болалар қўшиқ қуйлашади:

**Бойчечаким бойчечак,
Этагим тўла бойчечак,
Бойчечаким бойланди
Қозон тўла айрондир.
Айронингдан бермасанг
Қозонларинг вайрондир.
Қаттиқ ердан қазалаб**

**чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб
чиққан бойчечак.**

Манзура ПИРМАТОВА,
Тошкент Давлат
агроуниверситетининг ўқитувчиси.



Ҳамза туманидаги 231-мактабда ҳам Навруз тантаналари бўлиб ўтди. Унга ўқувчилар қўшиқ, шеър билаш, рақс билан тайёрларлик қўйдилар. Уларнинг ота-оналари эса турли баҳорий таомлар тайёрлаб келишди. Байрам сахна томошалари, турли беллашувлар, викториналар билан ажиб хурсандчилик касб этди. Айниқса энг мазали таом тайёрлаш мусобақаси эсда қоладиган бўлди. Шодиёна тугагач ўқувчилар мактаб ҳовлисига чиқиб, экинзорни қўчат ўтказишга тайёрладилар.

СУРАТЛАРДА: энди униб чиққан бугдой Навруз рамзидир; оналар байрам дастурхонини ана шундай ширинликлар билан беадиладар.

Равиль Альбеков олган суратлар.

ТОТУВЛИК РАМЗИ

Чилонзор туманидаги 1-Катта Чилонзор маҳалласида ҳам Навруз тантаналари бўлиб ўтди.

Ушбу маҳаллада асосан Европа миллатига мансуб одамлар истижомат қилишди. Аммо тантана жараёнида буни сезиш қийин эди. Шодиёна асрлар оша келаётган миллий қадриятларни унглаш асосида ўтган бўлса-да, байрам иштирокчилари Наврузни нафакат баҳор, яшариш, янгиликлар, балки бир тупроқда яшаётган турли миллат вакиллари янада ҳамжиҳатликка, дўстликка қорловчи байрам экан-

лигига аллақачон ишонч ҳосил қилишганини таъкидлашди. Маҳалла фуқароси, танқили азучи Носир Фозиллов ўзбеклар ҳамма замоналарда бошқа миллат вакиллари билан тинч-тотувликда яшаб келаётгани, унинг бугунги кундаги маслаҳи ҳам тинчлик ва барқарорлик экани, бу ҳол Навруз кунлари янада яққол сезилаётгани ҳақида гапирди.

Мажид РАИМОВ.

Назм

ДАВРОН БИЛАН

Ўтди ҳуш умрим менинг дўсту қадрдон билан,
Меҳнатим бирла улуш қўшдим бор имкон билан.

Юрт дедик, эй ўғил, белни маҳкам боғлагил,
Зўр шижоат бирла юрдим мард қизу ўғлон билан.

Кўрмадим ҳеч бул Ватанда яхшиликдан ўғасин,
Шул сабаб ёр фироғи асалдир ҳижрон билан.

Юрт учун не-не фидолар ёди дилда барҳаёт,
Фахр этарман Фитрату, Қодирий, Чўлпон билан.

Истиқлол шаббодаси ҳар жонга ором бергуси,
Иштиёқим бирга бўлмоқ ишчию деҳқон билан.

Яратсаму, яшнаса озода Ватан гул-гул бугун,
Кўкларга етди кўксим, ўргулиб даврон билан.

Эй Ватан, сен борсану менинг бахтим тоғ эрур,
Сен деганда хизматингга отилурман жон билан.

Юрт учун ҳар лаҳзада бўл фидо, леҳ англаким,
Ўгноҳингн ҳеч қачон юволамассан қон билан.

Сев Ватанни, сев Темур севгинг сени шод этгуси,
Дейдиларким Ватан севмак аслида иймон билан.

Темур КАРИМОВ.

ДҲСЯЛАРИМ

Соғинч чолғусида ўтди бир оҳанг,
Мени энтиқтирар дам ўтган йўллар.
Таслим бўлиб ҳазон фасли олдиди,
Япроқ тўкса бир кун сиз экан гуллар.

Фаромуш туйғулар оғушидаман,
На илож, топмасман лоийқ ифода.
Дейман мен ўзимга бериб тасалли.
Сиз борсиз, дўстларим, ёруғ дунёда.

Мени ташлаб кетган ул даврадошлар,
Ўзгалар базмида бўлса жамул жам.
Вужудим титрайди фироқ ғамида,
Танҳолик онда кўзга қалқар нам.

Кўнгилнинг қаърига чўкса ҳамки тош,
Хиёнат ярқ этса ушал рийёда.
Олисдами яқин, дилкаш ва сирдош,
Сиз борсиз, дўстларим, ёруғ дунёда.

Биз кам кўришамиз, холимиз нечук —
Гоҳо хабардоримиз, гоҳо беҳабар.
Ахир бу дунёда азиз ва буюк,
Шодлик борми дўстни кўрмоқлик қадар!

Ҳасад майин ичар қайдадир ғаним,
Ҳар дўст ғаниматдир дайри фанода.
Менинг истагим ва излаганим —
Сиз борсиз, дўстларим, ёруғ дунёда!

ШОДОН ИНСОНМАН

Нафосатга тўлиқ бу олам,
Истиқлол-ла улуг бу олам,
Ҳамишалик қутлуг бу олам,
Яшнашидан шодон инсонман.

Ўзи каби гўзал баҳори,
Ўзбоғимнинг бахт-ифтихори,
Кўрмаганлар оруз ҳумори,
Яшнашидан шодон инсонман.

Келажаги буюк —улуғвор,
Тоғ чўққидеҳ ўғлонлари бор,
Жаҳон ойнасида гул дийр
Яшнашидан шодон инсонман.

Абдуқодир ҚАЮМОВ.

Оппок либос кийган келинчаққа қатта ҳаёт йўлини, ували-жували бўлишини, бахтли-саодатли ҳаёт кечиршини тилайдилар.
Келинчаққа, яхши умид билан бораётган хонадонингга суяқли фарзанд бўл, қўша қариб, ўзингдан кўпай деб ният қиладилар...
Ҳамманинг кўзини қувонтириб, ҳавасу болаларча ҳасадлини улғайтириб юрадиган Мунисага оппок келинлик либосини кийиш ҳам, юракларни ўртантирувчи ёр-ёр билан бир хонадонга суяқли фарзанд бўлиш ҳам, қўша қариб, ўзингдан кўпайиш ҳам насиб этмади...

Муниса ҳамшираликка ўқиб юрган кезлари олдидан бир лўли хотин чиқиб деди: «Фол келди, фол келди... бахтингдан очайми, тахтингдан...». Яхши кайфият билан келаётган Муниса лўли хотиннинг қафига яп-янги эллик сўмлик қўйганча деди:

— Иккисинг ҳам!
— Сен кўнгли очик, қўли очик, лекин бахти боғлиқ қизсан, укаларингн деб бу дунёдан ёлғиз ўтасан...

У эшитган гапларини аввалига ҳазилга йўйди:
— Яхши бўпти. Турмушга чиқаман деб ўзини учиб тургани йўқ...

Йиллар, ой-кунларни етаклаб бепарво билдирмаётганга ўтаверар экан. Йиллар билан кетиб бораётган умр ҳам ё орзуга айланар экан, ё шамолу елларга учаркан.

Тенгқурлари қизлик сафини бир-бир тарк этишаркан, унинг ёдига тез-тез лўли хотиннинг гапи тушадиган, эти увишадиган бўлди. Одамови бўлиб, бурчак-бурчакларда йиғлаш оdatи бўлиб қолди...

Онасининг вафотидан сўнг уйдан барака кўтарилди, отасининг иши юришмай, оиладан омад юз ўтирди. Давлат ҳам қўша-қўша, меҳнат ҳам деганларидай, оқиб турган дарёдан бебаҳра қолган отанинг юраги бу жудаликни кўтарар олмади. Орадан икки ой ўтмай, бу дунёнинг барча ғам-ташвишларини, шодлиғи қувончларини, ота-она меҳрига зор қолган укаларини қолдириб, отаси ҳам оламдан ўтди. Укалари йиғласа йиғлаб, кулса кулиб, Мунисанинг ҳам кунлари ўтаверди. Сочиб бўлиб, оғиз солганларга: «Бир этак укаларим билан кимга керакман? Турмушга чиқсам, уларнинг ҳоли нима кечадир?»

Бора-бора келинлари, қуёвлари олдиди эрдан гап очилса гўноҳ ўш устида қўлга тушган деб ўзини уятли, мусибату уқбатчи, меҳнатни кўп татиб кўрганганидан қариб қолгандай ҳис қилидиган, ўзи кўнгли қўйган ҳамшираликдан ҳам кўнгли совиб тез-тез чарчайдиган, тезроқ нафақага чиқишни ўйлайдиган бўлди...

УШАПАДИГАН ОРЗУ

Маълумки бундан бир неча йил муқаддам жаҳон чемпионлиги унвони иккига бўлингандай бўлиб қолди: бир томондан профессионал шахматчилар ўртасида, иккинчи томондан ФИДЕ тасарруфидидаги мусобақалар орқали фармонбардор аниқлана бошланди. Бу бўлиниш баъзиларга ёқса кўпчиликка эриш туюлмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳиндистонлик ёш гроссмейстер В. Ананд иккаласини ҳам забт этиб, уларни бирлаштирмоқчи бўлди. Бироқ ниятига етиш учун ўшанда бир баҳа қолган эди. Шу йили Голландияда ўтказилган супер турнирда у ФИДЕ чемпиони А. Карповдан анча ўзиб

кетди. Яқинда эса Испаниянинг Линарес шаҳрида энг кучли етти гроссмейстер иштирокидаги икки даврада ўтказилган улкан халқаро турнирда эса 12 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, бош соврин эгаси бўлди. У профессионал шахматчилар ўртасида жаҳон чемпиони Г. Каспаров-

дан нақд 1,5 очко ўзиб кетди. Мутахассисларнинг фикрига кўра маҳорати тобора камол топаётган Ананд яқин йиллар орасида орзусига етса ажаб эмас.

Шахмат

ТУРНИ МИНТАҚАЛАРДА

Чирчиқлик Заребеллий кунни кеча Россиянинг Новгород шаҳридан яхшигина совға олиб қайтди. Бу ерда ўтказилган гроссмейстерлар турнирида 9 имкониятдан 6 очко жамғариб,

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ



ТИЖОРAT ХАБАРПАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИККАТ!

Тошкент иссиқлик маркази таъмирлаш-профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 20 апрели соат 00 дан 1998 йилнинг 25 апрели соат 24.00 гача академик С. Мираҳмедов, Фарҳод, Қатортол, Мухимий кўчаларига, Чилонзорнинг 1,2,3,4,5,7,9,Е,И мавзелирига, Бобур, У. Носир, Нукус, Аския, Миробод, Гоголь кўчаларига, Бошлик, Қўшбеги, Аэропорт даҳасига иссиқ сув беришни тўхтатади.

Маълумотлар учун телефонлар: 55-24-37, 55-35-21.



10 АПРЕЛДАН 15 АПРЕЛГАЧА

Қадрли дўстлар! Сизни А. НАВОЙИ номли САНЪАТ САРОЙИГА А. Қодирийнинг романи асосида янгича талқинда суратта олинган «ЎТКАН КУНЛАР» 2 серияли бадий фильмига таклиф қиламиз. СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФЛАРИ — М. АБЗАЛОВ Х. ФАЙЗИЕВ Х. ҚОДИРИЙ

БОШ РОЛЛАРДА: Б. МУҲАММАДКАРИМОВ, Ш. ДИЛМУРОД ҚИЗИ, Л. ЭЛТОЕВА, Ҳ. АЛИХҲАЕВ, Ё. АҲМЕДОВ, Г. ЖАМИЛОВА, С. ИСАЕВА, Т. ОРИПОВ.

«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулот. Соат 14.30, 18.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 41-03-40, 41-04-90.

Корхоналар учун пул ўтказиш йўли билан чипталар сотилади.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИККАТГА!
Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1998 йилнинг 13 апрелидан 23 апрелигача Бобур кўчасидаги 8, 10, 12, 14, 16-уйларда, Бетховен кўчасидаги 11, 5 ва 5-а уйларда яшовчи ҳамда «Тошбошрежа» ва давлат карантини ташкилотларидаги 54/55-АТС абонентларида вақтинчали алоқа бўлмайд.

Очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmoqi» хиссасдорлик жамияти.



Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБҲУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-, 208-ХОНАЛАР.

Тошкент шаҳридаги 236-мактаб томонидан 1979 йилда Насиба Минаваровна Турсунходжаева номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги № 909865-аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

• Озишингиз, соғломлашингиз мумкин. Тел: 125-81-11.

• Озишингиз энгил ва осон йўли. Тел: 48-84-47, соат 20.00 дан 23.00 гача.

Тошкент «Баққолик» акционерлик жамияти жамоаси «Баққолик» Ўзбекистон акционерлик бирлашмаси раиси Абдуғани Маннапович Расуловга онаси Закия ая САПАЕВАНING вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси жамоаси корхона ходими Карима Батиралиевна Пахриддиновага ва унинг оила аъзоларига қизи Саодат КЕНЖАЕВАНING бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шайхоншоҳур тумани санитария жамоа корхонаси жамоаси шў корхона шифокори Маъмура Саидимовна Алиевага волидаи муҳтарамалари АҚИДА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

